

Иккинчи натийжа: Ботил эканлиги шубҳасиз бўлган хатолар ва янглишмовчиликлар (Салафийлик 8)

05:00 / 13.03.2017 4403

Бизнинг эътирофимизга кўра, инкор қилиш имконсиз бўлган ҳукмлар ва асослар борасидаги миқёс ва таянч -бу юқорида зикр қилинган манҳажнинг муттафақ бўлган қисмига эргашмоқликдир. Худди шунингдек, хато ва янглиш тушунча ва мазҳабларни аниқлаш учун ҳам, айнан мана шу манҳажнинг асос бўлиши шубҳасиздир. Яъни, мана шу муттафақ манҳаж асосида янглиш раъй ва мазҳаблар аниқланади. Бу манҳажга риоя қилиш ва унга эргашмоқнинг нақадар зарур эканлигини аввалги баҳсларимизда баён қилиб ўтдик. Мусулмон уламолар бу манҳажнинг кўплаб қоида ва ҳукмларига иттифоқ қилганларини ҳам қисқача эслатиб ўтдик. Манҳажнинг айрим масалаларида, ёки уларнинг татбиқида мусулмонлар ичида ихтилоф бор эканлиги ҳам инкор бўлмас ҳақиқатдир.

Мана шу манҳажнинг табиий тақозосига биноан, мусулмон олимлар орасида баъзи бир тортишувлар ва ихтилофлар бўлиши мумкин. Бунинг натийжасида баъзи мазҳаблар ва раъйлар юзага келиши одатий ҳолдир. Аммо биз бу шаклдаги тортишув ва ихтилофларни хато, нотўғри ва ҳақ йўлдан оғиш санамаймиз. Зеро бу турдаги ихтилофларнинг ҳақиқий сабабчиси, ўша масаланинг асли ва манҳажнинг услубидир. Аслида бу тортишувни, тортишилаётган мавзу тақозо қилаётган бўлиши мумкин ёки ечим учун тавсия қилинаётган манҳажнинг табиати шуни талаб қилаётган бўлиши мумкин. Ҳа албатта, бу дегани, ўзаро тортишаётган раъйларни таржиҳ қоидаларига итоат қилдириш, кучлилиги ёки кучсизлигига қараб тасниф қилиш, каби қоидалар ишга солинмайди, дегани эмас. Бу қоидалар асосида таржиҳ ва тасниф қилиниши ҳам мана шу манҳаж тақозосидир.

Муҳим бўлган нарса шулки, мана шу каби ихтилофларни “хатолар ва ҳақ йўлдан оғишлар” қисмида келтирмоқчи эмасмиз. Чунки ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, бундай ихтилофлар хато дейилиб, улар ҳақ йўлдан оғиш саналмайди. Балки, инша Аллоҳ , бу каби ихтилофларни учинчи қисмда зикр қиламиз ва етарлича баён этамиз.

Биз қуйида, нодир ва янглиш раъйларнинг айримларини мисол сифатида келтириб ўтмоқчимиз. Аммо бу дегани, мисол сифатида келтириладиган ушбу янглиш раъйлар соҳибларининг барчасини бирдек қуфрга чиқазиш ёки уларни Исломи миллати доирасидан ташқарига улоқтириш лозим, дегани эмас. Ушбу янглиш раъйлар орасида ўта қўпол хато саналадиган, ўта нодир раъйлар борки, улар диндан эканлигини билиш зарур бўлган нарсаларни инкор қилиш даражасига бориб етади. Натийжада бу раъй ўз эгасини, Расулulloҳ с.а.в “очиқ қуфр” деб номлаган даражага олиб боради. Баъзи янглиш раъйлар мавжудки, улар луғат уламолари иттифоқ қилган манҳаж қоидаларидан, ва мана ша сабабли ислом шариасти уламолари муттафақ бўлган манҳаж қоидалари ҳудудидан ташқарига чиқишгача бориб етадилар. Бундай хатолар бидъатчилик, гоҳида эса, фикс ва узрсиз ҳолатда ҳақ йўлдан оғишни келтириб чиқзади... айрим хатолар эса, қуфр даражаси билан фикс, бидъат даражаси орасига бориб етади. Инсофли тадқиқотчи бундай раъй эгасини кофирга чиқазишга етарли далил топа олмайди, уни жузъий хатолари учун ислом доирасидан ташқарига чиқза олмайди. Биз мана шу турдаги фикрий бузуқ раъйлар эгаларига нисбатан бирон сўз сўзлашда эҳтиёт чорасини афзал кўрамиз. Бу ўриндаги эҳтиёт чора, уларни имкон қадар Исломи доирасида қолдиришни тақозо қилади. Биз уларга уларнинг фикс ва бидъатчиликка олиб боровчи хатоларини тушунтирамыз, Аллоҳ бундай нарсаларга изн бермаганлигини билдирамыз, бундай раъйлар уммат уламолари иттифоқ қилган манҳаждан четга чиқиш эканлигини англатамыз, бошқаларни эса, уларнинг хатоларига эргашмаслик ҳамда уларнинг таъсирига тушиб қолмасликдан огоҳлантирамыз ва шу билан бирга уларни Исломи доирасидан ташқарига чиқазмасликни ўзимиз учун афзал кўрамиз.

Мана шу иккинчи қисмга оид бўлган, шак-шубҳасиз хато ва залолат саналмиш раъйлар асосан уч омилдан бирининг самараси ҳисобланади. Биринчи омил- Исломи ҳақиқатидан умуман юз ўгириш. Иккинчи омил- мутаассиблик ёки нафс хоҳишларига эргашиш. Учунчи омил- луғавий ва шаръий масдарларга таянмаган ҳолда қилинган ботил таъвиллар. Синчиклаб, яхшилаб ўрганиб чиқилгандан сўнг маълум бўлган ҳақиқат шулки, бу тарздаги бузуқ таъвиллар мутассаблик ва нафсу ҳавога эргашишнинг оқибатидир. Ушбу хунук оқибат эса, Аллоҳ азза ва жаллага бўлган ҳақиқий иймоннинг заифлиги самарасидир.

Мазкур уч фикрий бузуқлик омилларининг барчасини йиғиб жамлаб чиққанимизда, уларнинг барчаси нафсу ҳаво эканлиги маълум бўлади.

Биринчи омилга даҳрийлик, ширк ва ботил динларда мужассам бўлган куфр турлари дохил бўлади. Шунингдек, бу туркумга самовий бўлмаган тўқима динларнинг барчаси, ҳамда самовий деб номланувчи бузилиб кетган динлар ҳам мансуб бўлади. Аслида, ушбу самовий динлар, асос ва моҳият жиҳатидан Аллоҳ таоло юборган расуллар ва набийлар а.с келтирган Ислом динидан ташқарида эмас. Аммо замонлар ўтиши билан башарий мафкура уйдирмалари натижасида пайдо бўлган хурофот ва бидъатлар ўша динларга қоришиб кетди. Айрим дунёвий муомалаларни ҳисобга олмаганда, бу динлардан кўп нарса қолмади. Алал оқибат, бу динлар ҳам уйдирма динлар туркумига кириб қолди.

Мана бу туркумдаги куфр ва инкорнинг барча навлари Аллоҳ маърифати манҳажининг асосий, энг муҳим қоидаларига тамоман зид келади. Бундай куфр ва инкорлар таассуб ва нафсу ҳаво тупроқларида ўсиб, атрофга кенг тарқалаверади.

Иккинчи турдаги омилга мансуб бўлган ботиллар туркумига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин. Икки шайх имоматини инкор қилиш; умматнинг бу ҳақидаги ижмоъсини билмаганга олиш; саййидимиз Алий р.а га эса, ваҳий, маъсумлик ва шу каби набийларга хос сифатларни нисбат бериш; Расулulloҳ с.а.в суҳбатлари шарафига ноил бўлганликлари аниқ собит бўлган, салафи солиҳ улар ҳақида истиқомат, тақво ва салоҳиятлилик гувоҳлигини берган саҳобаларни ҳурматсизлантириш.

Баъзи муридлар ўз шайхлари ҳақида маъсумлик ва бегуноҳлик каби сифатларни нисбат беришлари ҳам мана шу туркумга мисол бўлади. Улар, ўз шайхлари амаллари ва тасарруфларини шаръий насслардан устун кўрадилар. Ҳақиқат эса том аксинча, шаръий насслар ҳар қандай нарса устида туради. Ботил эътиқод сабабли, ҳеч қандай далил ва ҳужжатсиз ҳолда, рангбаранг, анвойи бузуқ мафкуралар ва бидъатлар пайдо бўла бошлайди. Бундай нарсалар ғулувнинг оқибати бўлиб, улар кўр-кўрона таассуб тупроғида нашъу намо топади.

Мана шу тарздаги бузуқ ақида натижасида, аҳли байт имомлари ҳақида айрим одамлар нотўғри эътиқод қила бошлайдилар. Яъни, уларнинг эътиқодига кўра, аҳли байт имомлари орасида шундайлари мавжудки, улар даражасига на муқарраб фаришта, ва на набийи мурсал ета олади. Бу эътиқодга жазм ва иқрор қилган кишилардан бири Хумайнийдир. Хумайний ўзининг “Исломий ҳукумат” номли китобида шундай дейди. “Имомларимизга, муқарраб малак ҳам, набийи мурсал ҳам етолмайдиган мақомни нисбат беришлик мазҳабимиз (ақийдавий) заруратларидан

биридир..” бошқа ўринда эса, “бизнинг Аллоҳ билан шундай ҳолатларимиз борки, унга на малаки муқарраб, ва на набийи мурсал сиғади. Худди шундай манзил Фотимаи Заҳро алайҳо саломда ҳам мавжуд эди.” дейдилар[1].

Шу эътиқодлар туркумидан яна бири, кабийра гуноҳ содир этган кимсага нисбатан куфр ва муртадликни вожиб қилишликдир. Хаворижлар айнан мана шундай ғулувга тушиб қолганлар. Ҳатто улар ичидаги “Азрақлар”, киши кабийра гуноҳни хатоан ёки ижтиҳод самараси ўлароқ содир этган бўлсада, унга куфр ва муртадликни нисбат бераверадилар. Шунинг учун “таҳкийм воқеаси” туфайли Алий р.а ни ҳам кофирга чиқарадилар. Ваҳоланки, Алий р.а бу ечимни ноиложликдан қабул қилдилар ва бунга ижтиҳодларига биноан қадам босдилар.

Яна шу туркумдаги ботилга мансуб қарашлардан бири, ҳеч қандай гуноҳ киши иймонига зарар етказмайди, қарашидир. Улар, гуноҳ киши иймонига зарар етказмайди, дейишлари, бу масалани, куфр ҳолатидаги инсонга ҳеч қандай тоат фойда бермайди, ақийдасига таққослашлари эди. Мана шу қарашга эга бўлган кимсаларга “Муржиалар” дейилади. Буларнинг бошида Юнус ибн Авн, Абу Муоз ал-Туманий ва Бишр ал-Марийсийлар туради.

Муржиаларнинг бундай залолатга тушиб қолишларининг асосий сабаби, бу уларнинг ғулувга кетган хаворижларга жавобан раддия бериш чоғидаги акс ғулувларининг оқибатидир. Аслида эса, на уларнинг ва на буларнинг ўз қарашларига асос бўла оладиган бирон бир далил ёки далилга ўхшаш таъвиллари йўқдир. Умуман олиб қаралганда, ушбу ғулувларнинг ҳеч қайси далилга алоқаси йўқдир. Ғулув бу нафсий ҳолат бўлиб, у кишини нафсу ҳавоси истибдоди ва енгилтаклик иллоти таъсири остида, ўз соҳибини ҳаддан ошиш ва ноҳақликка етаклайди. Бундай кишилар ўз даъволарига далил топа олмасалар, зудлик билан ўзларига маъқул келадиган бир далил ихтироъ қилиб олдилар. Уларнинг бу даражада лоқайдлик қилишларига бирон нарса монъелик қила олмади. Ҳатто уларнинг кўплари ўзларининг бу уйдирмалар тўла мақсадларига етиш учун озми-кўпми ёлғонларга бош ура бошладилар. Аввалида бепарволик қилинган шунчаки ёлғонлар, ишнинг ниҳоясида шаръий далилларга нисбатан ҳам ёлғон тўқиб чиқазишга олиб келди. Оли байт р.а ларга нисбат берилган, ҳатто Пайғамбар с.а.в нинг ўзларига нисбат берилаётган тўқима ҳадислар қиссасига эътибор берсангиз, уларнинг барчаси айнан мана шу ғулувнинг натижаси эканлигини мушоҳада қиласиз. Бундай сохта ҳадисларнинг ҳеч қандай ишончли санади йўқдир.

Учинчи омилга келсак, бунга, ҳеч қандай луғавий мазҳаб қоидаларига мувофиқ келмайдиган услубда, Қуръон ва Суннат нассларини таъвил қилиш орқали пайдо бўлган тасаввур, эътиқод ва сулуклар мисол бўлади. Бу бобга дохил бўладиган залолат ва янглишмовчиликлар жуда кўпдир. Бу бузуқ таъвилларнинг аксарияти ақида, исломий мафкурага оиддир, айримлари эса сулукий фаръларга тегишлидир.

Биз бу ўринда, мазкур бобга доир айрим хатоларни мисол сифатида келтириб ўтамиз. Уларнинг барчасини санаб ўтмаймиз. Чунки ушбу китобнинг битилиш мақсади бу эмас.

Бу турга мисол сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Аллоҳ таоло сифатларига доир бўлган кўплаб оятлар борки, айрим таъвил қилувчилар уларни бузуқ ва нотўғри маъноларда таъвил қиладилар. Ва натижада, Зоти Илоҳийнинг сифатларини йўққа чиқариш бошланади. Аллоҳ таоло Моида сурасининг 64-оятида *نَاطُوْهُنَّ اَدِيْلَب* (Аксинча, Аллоҳнинг икки қўли очиқ...) дейди. Аммо нотўғри таъвил қилувчилар ушбу ояти каримадаги “қўл” сўзини таъвил қиладилар ва Аллоҳ таоло ўзи учун исбот қилган нарсани инкор қиладилар. Худди шунингдек, Аллоҳ таоло Тоҳа сурасининг 5-оятида ўзи учун исбот қилган *اِنَّ شَرْعَ الْاَنْعَامِ رِجَالٌ* (У –Роҳман аршни эгаллади) сўзидаги “истиво” калимасини нотўғри таъвил қила бошлайди. Ва натижада, Аллоҳ таоло ўзи учун исбот қилган яна бир сифатни нафий қилади. Фажр сураси; 22 оятдаги “*اَفْصَحُ كَلِمًا وَّاَوْكُتُبَّرَ اَجْو*” (Ва Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар) сўзидаги “келсалар” маъносини таъвил қилишлари ҳам мана шулар жумласидандир. Бундай таъвил қилгувчилар ўзларининг ушбу янглиш ишларига Аллоҳ таолони ташбиҳ кўринишлари ва янги пайдо бўлишлик каби Унинг зотига зид бўлган сифатлардан покламоқчи бўладилар. Аммо бунинг оқибатида, улар Аллоҳ ўз зотига нисбат берган сифатларни ёлғонга чиқаришдек яна бошқа адашишлик кўчасига кириб кетадилар. Ваҳоланки, иккинчи ҳолатнинг хатари у қочмоқчи бўлган биринчи ҳолат хатаридан кам эмас.

Шояд сиз, бизнинг “таътийл”дан нимани қасд қилаётганимизни тушуниб етгандирсиз. Зеро, бундай таътийллар ўз эгасини хатарли оқибатга олиб боради. Янада хавфлироқ томони шундаки, таътийл асносида кишининг оёқлари беихтиёр куфр томонга тойиб кетиши мумкин. Калима, одатда, ҳақийқий луғавий мазмунда ёки мажозий мазмунга кўчириб ўтказишни тақозо қилувчи омилларга кўра, мажозий мазмунда тушунилиши лозим. “Таътийл”да эса, калима юқоридаги ҳар иккала мазмундан ҳам маҳрум қолади. Таътийл қилгувчи кимса калимани, ҳақийқий маъносида ишлатиш

мумкин бўла туриб, ҳақийқий маъносида ҳам қолдирмайди, ёки зарурат, бошқа наслар ва ўзга далиллар тақозосига биноан, мажозий маънога ҳам бурмайди. Мана шу тарздаги ҳолатларни “тилни таътийл қилиш”, Қуръоннинг нозил қилиниш мақсадига зид келувчи маъноларга буришликни эса, “Қуръонни таътийл” қилиш деб аталмоқлиги шубҳасиздир.

Ушбу бобда “таътийл”нинг муқобилида “тажсийм” ва “ташбиҳ” туради. Бу дегани, оятларни зоҳирий маъноларда тушуниш оқибатида, Аллоҳнинг зотига нисбатан махлуқлар ва яратилганлар ҳаётига тегишли бўлган сифатларни тушунишлиқдир. Масалан, улар (луғавий маъноси “қўл” бўлган) “دي” калимасидан Аллоҳ таоло бизларда яратган маълум бир аъзони ирода қиладилар. (Луғавий маъноси “эгалламоқ”, “ўрнашмоқ” бўлган) “ءاوتسالا” калимасидан эса, бизлардан биримизнинг курси ёки диванга ўрнашиб ўтирган каби ўтиришимизни тушунадилар. Араб тилидаги (луғавий маъноси “келмоқ”) “ءيجملا” калимасидан бошқа бириси тарафга қадам босиб бориш учун қилинган ҳаракатни тушунадилар. Ва ҳоказо, шу каби оятларни мана шу тарзда тушунмоқлик кишини, ишнинг сўнгида, Аллоҳ таолони ўхшашлик ва тенгликлардан покловчи муҳкам, қатъий оятларни ҳам таъвил қилишга мажбур қилади. Чунки мана шу тарздаги юзаки тушунишлар оқибатида, тажсийм ва ташбиҳли оятлар билан Аллоҳ таолони бундай сифатлардан покловчи оятлар орасида зиддият юзага келади. Мазкур зиддиятга барҳам бериш учун улар муҳкам оятларни ҳам асосиз равишда таъвил қилишга киришадилар.

Турли фирқа ва динлар тарихига назар ташланса, уларнинг айримлари “муъаттила” (яъни, Аллоҳнинг сифатларини бекорга чиқазувчи), айримлари эса “мужассима” (яъни, Аллоҳга махлуқлар каби жисмоният нисбати берувчилар) бўлиб қолганликларига гувоҳ бўламиз. Ҳар иккала тоифа ҳам, биз юқорида зикр қилиб ўтган жамловчи манҳаждан ташқарига чиқиб кетганлиги шубҳасиздир. Мана шу нуқта назардан, ҳар иккала фирқа мафкура ва ижтиҳод жиҳатидан аҳли сунна вал жамоа манҳажидан ташқарига чиққан ҳисобланади.

Мўътазилалар, мана шу қабилда, мусулмон кишининг қиёмат кунида Роббини кўришини инкор қилганлар. Улар Қиёмат сураси 22-23 оятлардаги “عَرَطَانَ اَوْبَرَ لِي (22) ؕرَضَانَ ذِيْ مَوْيِّهٖ وَوَجُو” (“У кунда чиройли юзлар бор. Ўз Роббисига назар солувчилар”) оятидаги عَرَطَانَ (назар солувчи) калимасини таъвил қилиб “мунтазир бўлувчи” маъносига йўядилар. Соғлом фитратли ҳар бир араб билганидек, сиз ҳам биласизки, “назар ташлаш” билан

“мунтазир бўлиш”нинг фарқи бор. Иккала калима орасидаги умумий фарқларни билишлик ҳеч қандай араб кишиси учун сир эмас. Биринчи калимани араблар ишлатадиган маънодан бошқа маънога буриб, уни ўзга бир калима маъносига боғлашлик ботил таъвилдир. Бу икки калимани бир бирига боғлашликда ҳеч қандай яқин ёки узоқ боғлиқлик йўқдир. Бундай таъвиллар на узоқ, ва на яқин таъвиллар туркумига киради. Мана шу йўсинда қилинган таъвиллар ботил таъвиллар эканлигига шубҳа йўқдир.

Уларнинг навбатдаги ботил таъвилларидан бири, уларнинг Исро сурасидаги $أَلْأُسْرَىٰ تَعْبَىٰ نِيَّاتٍ دَعْمَ أَنْكَ أَمْ وَ$ (Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз) оятидаги $أَلْأُسْرَىٰ$ (пайғамбар) калимасини “ақл” деб тушунишларидир. Уларнинг ушбу оятни мана шу тарзда таъвил қилишларига сабаб, уларнинг, феълнинг яхши ёки ёмонлигини баҳолашда ақл асос, деб билишларидир. Уларнинг наздида, инсон ақлининг ўлчови асосий шаръий миқёс ҳисобланиб, кишининг ақли қайси феълни қандай баҳоласа, киши ўша феълни ақли тақозосига кўра адо қилмоқлиги шаръий вожиб бўлиб қолади. Улар ўзларининг мана шу қарашларини исботлаш учун юқоридаги оятни ботил йўл билан таъвил қилганлар. Ва натижада, қавмга пайғамбарлар келмаса ҳам, уларни ақлларининг ҳукми улар учун шаръий асос ҳисобаланаверади, деганлар.

Аммо ояти карима улар қилаётган таъвилни қабул қилмайди. Зеро, “ $أَلْأُسْرَىٰ$ ” калимасини Қуръони каримда жуда кўп зикр қилинган ҳақийқий маънодан бошқа маънога буриш имконсиздир. Бу калима Қуръонда шу қадар кўп такрорланганки, бу калимадан бошқа маънони англаш мумкин эмас. Аллоҳ таоло “ $أَلْأُسْرَىٰ$ ” калимасини бошқа оятларда турли услубларда такрорлаган чоғда ҳам, айнан мана шу маънода баён қилган. “ $أَلْأُسْرَىٰ$ ” калимасидан “пайғамбар” маъноси қасд қилинганлигини араб тили луғати тасдиқлайди ва мўътазилалардан муқаддам яшаб ўтган мусулмон уммати бу калиманинг мана шу маъносига ижмоъ қилганлар. Аллоҳ таоло Нисо сурасида $مَلَكًا وَكَذَلِكَ عَمُصُّ صُقْنَمَ أَلْأُسْرَىٰ لُبَقٍ نَمَكِيٍّ لَعْمُهَا نَصَصَقْ دَقْ أَلْأُسْرَىٰ وَ$ (Ва биз сенга бундан олдин қиссаларини айтиб берган ва қиссаларини айтиб бермаган Пайғамбарларни юбордик. Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди.) ояти ортидан $نُؤْكِيَّ أَلْأَيْلَ نِيَّ رُدُنْمَ وَ نِيَّ رَشَبْمَ أَلْأُسْرَىٰ$ (Башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбарларни Аллоҳ ҳузурида одамларга Пайғамбарлардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун юбордик. Ва Аллоҳ азийз ва ҳакийм бўлган Зотдир.) дейди. Мазкур икки оят, инсонларнинг қиёмат кунисидаги, огоҳлантирувчи келган ёки келмаганлиги ҳақидаги ҳужжатлашмоқлик даъвосини йўққа чиқазиш учун пайғамбарлар

юборилганлигига қатъий далилдир. Ўша юборилган пайғамбарлардан айримларини Аллоҳ таоло ҳазрати Муҳаммад с.а.в га хабарини берганлиги, аммо кўплари эса зикр қилинмаганлиги ушбу оятдан маълум бўлмоқда. Аллоҳ таоло ўзи юборган пайғамбарлар хабарларини ҳазрати Муҳаммад с.а.в га қисса қилиб келтирар экан, ҳеч қайси оқил уларни “ақл” маъносида тафсир қилмаганлар. Ваҳоланки ақл эса, инсонларда аввалда ҳам бўлган, ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб улар барча даврда ақлдан бирдек истифода қилиб келмоқдалар.

Яна мана шу тарздаги хато таъвиллардан айримлари, тасаввуф ва илми ботин ниқоби остида содир бўлади. Улар, ўзларининг хом-хаёл ва алахсирашларига асосланган ҳолда, Қуръон ва Суннат нассларини тафсир қиладилар. Улар ўзларининг тафсирларида араб тили, ёки далолат асослари, ёхуд насслар тафсири қоидаларига мутлақо риоя қилмайдилар. Ушбу турдаги бузуқ тафсирларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Соҳтакорларча тасаввуф либосини кийиб олган айрим кимсалардан қилинган ривоятни Олусий тафсир китобида нақл қилган. Бундай кимсалар Каҳф сурасидаги **نُوحٍ** (икки денгиз жамланган жой) тафсирида оятни “шайх валояти билан мурид валоятининг жамланиши” деб таъвил қиладилар. Ҳазрати Мусо а.с ва унинг ҳамсафари унга суяниб жойлашган **صَالٍ** (ҳарсанг тош) калимасини эса “нафс” деб тафсир қиладилар. Улар шунингдек, **تَوَّحُّ** (балиқ) калимасини “дунё ва унинг зийнатларига бўлган севги билан тузланган қалб”, **نَفْسٍ** (кема)ни “шариат”, **قَوَّحٌ** (уни тешиб қўйди)ни “зоҳирни тарк қилиш ва ботинга эргашиш билан тешиб қўйди”, **مَالِغٍ** (бола) калимасини “нафси аммора”, уни ўлдиришни эса “риёзат қиличи билан уни сўйиш”, дея тафсир қиладилар, ваҳоказо...Олусий тафсирига қаранг.

Баъзи кўзбўямачиларнинг, Аллоҳ таолонинг ҳазрати Мусо а.с ҳақларида ҳикоя қилувчи Тоҳа сурасидаги **يَمِّنْ غِيْلَ عِوَابٍ شُهُوْ اَوْ اَهْلِي لَعْنُ الْكَوْتِ اِي اَصْعَ يِه لَاق** (У: “Бу асоимдир, унга суянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва унда менинг бошқа ишларим бор”, деди. У: “Эй Мусо, уни ташла”, деди.) сўзларидаги **اَصْعَ** (асо)ни “дунё” дея тафсир қилганликлари ҳам бизга етиб келган. Уларнинг тафсирларига кўра, Аллоҳ таоло ҳазрати Мусо а.с га ташлашни амр қилган асодан мурод “дунё” бўлиб, Аллоҳ таоло Мусо а.с га дунёни ташлашни амр қилаётган бўлиб чиқади.

Ислом даъвосини қилувчи кўзбўямачилар шу тарзда хомхаёл ва фантазияларга берилиб кетдиларки, уларнинг мана шу хом-хаёлларини

шарқшунослар, айниқса улар орасидаги ғаразгўйлари, шоду хуррамлик билан кутиб олдилар. Уларнинг фантазияларини йиғиб жамладилар ва ана шу асоссиз ва вазнсиз кўпиклар билан ўз китоблари ва таълифотларини тўлдирдилар. Энди фараз қилиб кўринг, агар ўша шарқшунослар ўзларининг “серҳосил” фантазияларини ҳам уларга қўшиб, уларни ҳам Исломдан қилиб кўрсатсалар нима бўлади. Балки улардан ҳеч бўлмаса биронтаси, ҳеч бўлмаса ичида ўзига ўзи “Шарқшунослар (инсофсизлари) билан бизнинг орамиздаги фарқ нимада? Ахир, ҳар иккаласи ҳам хом-хаёл ва гумонлардан иборатку.” деб айтар.

Яхудий шарқшуноси Игнац Гольдциер (Goldziher) айтади: “Мутасаввифлар ботиний маъно ортидан кетиб, Аллоҳ таолонинг $\text{بِأَخْصَاءِ آلِ تَمِّمُ مَوْلَىٰ رِضْوَانِ}$ (Сен уларга Пайғамбарлар шаҳар аҳолисига келган пайтни мисол қилиб келтир) оятидаги ذِي رِزْوَانٍ (шаҳар) ни “тана”, “пайғамбарлар”ни эса, “руҳ”, “қалб” ва “ақл” деб таъвил қилдилар.”[\[2\]](#)

Ҳолат қандай бўлишидан қатъий назар, илмий омонатдорлик мана шу қабилдаги хомхаёлдан иборат бўлган ботил таъвилларни “сўфийлик”ка нисбат беришга изн бермайди. Аммо кўплаб ёзувчилар, уларнинг бошида мусташриклар, ҳудди мана шу хатога йўл қўядилар. Ҳақиқий илмий тадқиқотчилар бу уммат тарихи давомида турли-туман зиндиқ ва ботинийлар чиқиб турганлигини яхши биладилар. Улар ўзларининг бузуқ фикрлари билан Ислом мафкурасига тасаввуф йўли орқали, тасаввуф ридосига ўраниб, унинг рангига бўянган ҳолда сизиб, яширинча кириб турганлар. Аслида эса, уларнинг на Ислом билан, ва на тасаввуф билан алоқаси бордир. Аслида улар ўзларининг бундай йўл тутишлари билан, инсонларни “ҳақиқат” номи остида ибोҳийликка (яъни, ҳеч қандай амр ва қайтариқсиз яшашга), “важд” (яъни, қалбнинг охиратга оид бўлган ғам, кўрқув ёки руъят каби нарсаларни ҳис қилиши) ва “фано” (яъни, Аллоҳдан ўзга нарсаларни фано қилиш) номи остида турли туман зиндиқлик ва хулулга (яъни, Аллоҳ таолони баъзи бир махлуқлар сувратида кўриниши каби куфр аққийдаси) етакламоқчилар.

Аммо ҳақиқий, соғлом тасаввуф масаласига келсак, у Ислом мағзидир. У мусулмон қалби тубида яшириниб ётган жавоҳирдир. Ундан айри қолган Ислом эса, фақатгина зоҳирий сувратлар, кўринишлар ва шиорлардан иборат бўлиб олади. Тасаввуфсиз Исломнинг ҳоли, одамлар ўзаро бир бирларига кўз-кўз қиладиган зоҳирий зеб зийнат ва ғурурланиш манзараси кабидир.

Мана шу мағиз банданинг Аллоҳга бўлган рағбат ва раҳбатида намоён бўлиб туради. У банда қалбидаги Аллоҳга бўлган севги ва Ундан бўлган қўрқувни назорат қилиб туради. Натийжада, инсон қалби гина-кудурат, ҳасад ва дунё севгиси каби чанг ғуборлардан тозаланиб боради. Ундаги Аллоҳ муроқабаси, Унинг шариати ва аҳкомларига бўлган мустаҳкам боғлиқлиги кучаяди. Бандадаги Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан узоқ туриш йироқлашиш, эҳтиёткорлик ва Унинг вожиботларини ўрнига келтириш масъулияти ҳамда бандалар ҳаққларини адо этиш жавобгарлиги зиёдалашиб боради. Бу борадаги ишларнинг барчасида энг олий мисол саййидимиз Муҳаммад с.а.в, сўнгра умматнинг илк йўлбошчилари бўлмиш саҳобалар р.а дирлар. Мана бу ҳақиқат баёнидан сўнг, сизни “тасаввуф” ёки “тазкия” каби номланишлар муаммоси юқоридаги каби муҳим амаллардан тўхтатиб қўямасин. Ислом аввалида, Пайғамбаримиз с.а.в асри саодатларида ҳам мана шу жавоҳир билан зийнатланиш бор эди, фақатгина у маъноларда мужассам бўлиб, исмда гўё йўқдай эди. У замонларда фақатгина ҳақиқий ислом деган номгина мавжуд эди. Мусулмонлардан ўша ном орқали нафсни поклаш ва эҳсон даражасига чиқишга бўлган саъй ҳаракатни зиёда қилиш талаб қилинар эди. Маълум бир вақт ўтгач, кўплаб одамлар орасида Ислом фақт зоҳиран зийнатланиладиган муайян рамзлардан ташкил топган мажмуага айланиб қолди. Аммо ботинда эса, уларнинг қалблари зоҳирдаги рамзларга хилоф бўлган нарсаларни бажаришга киришиб кетди. Шундай бир даврда, раббоний олимлардан бир гуруҳи ташаббус билан чиқдилар. Улар инсонлар қалбида Аллоҳ муҳаббати ва маҳофатини мавж урдириб турган, доимо Аллоҳ зикри ва муроқабаси ила уларни узлуксиз бардавом қилиб турувчи Ислом ҳақиқатини, ўша асрда юзага келган, фақатгина зоҳирдагина намоён бўладиган сохта мусулмонликдан ажратиш вазифасига бел боғладилар. Мана шу муборак вазифага бел боғлаган зотларга “мутасаввифлар” деб, ана шу қалб парвариши билан шуғулланишни эса “тасаввуф” дея хосладилар. Фақатгина номланишдаги фарқдан иборат бўлган тажовузнинг ҳеч қандай зарари йўқдир. Аксинча, мен, модомики бу ном ортида Ислом жавҳари, руҳияти бўлмиш Ислом мағзи турган бўлса, уни олқишлайман, ўзгаларни ҳам бунга даъват қиламан. Биз, кишининг дунёвий орзу истакларидан ҳеч қайси бирига фойда қилолмаган, охиратда эса фойда бермаслиги янада маълум ва аниқ бўлган зоҳир ва шакллар билан кифояланиб қолиб, Ислом руҳияти бўлмиш тасаввуфга бепарволик қилмаймиз ва уни тарк этмаймиз[3].

Ислом мағзини мустаҳкам ушлаган, унинг жавҳари рангларида бўялган ана шу зотлар, “сўфийлик таъвили”, “ботиний ғаввослик” номи остида

Аллоҳнинг китоби билан ўйнашиш даражасидаги тубанликлардан олийдирлар, юқоридадирлар. Биз гувоҳ бўлган нарса шуки, улар аслида нассларни мустаҳкам ушлаган, уларни тафсири қилишда ўта эҳтиёткордирлар. Мисол тариқасида имом Қушайрий р.а нинг “Латоифул ишарот” тафсирини ўқиб чиқинг. Қушайрий р.а сўфийлар имоми ва улуғларидан бўлганлар. Бу кишининг тафсириларида насслар тафсири қоидаларига риоя қилишнинг энг юқори намунаси, анави бузғунчилар хатоларидан йироқликнинг эса олий мисолини кўрасиз. Шунингдек, у кишининг тасаввуф одоблари дастури ҳисобида саналадиган машҳур рисоласини ўқиб чиқинг. Бу асарда китобхонни шариат меъзони ва ҳукмидан ташқарига чиқиб кетишдан такрор-такрор огоҳ этганига шоҳиди бўламиз. Шариат эса, бу Қуръон ва Суннати Саҳийҳа нассларида ворид бўлган нарсалар ҳисобланади. Мана бу нассларни эса, маърифат манҳажини ҳамда насслар тафсири қоидалари асосида тушуниб етамиз.

Ана шундай ҳақиқий тасаввуф намояндалари билан бир қаторда тасаввуф ва важди Илоҳийни ўзларига ниқоб қилиб олган, аммо шариат доираси ва қайдларидан ташқарига чиқиш учун шариат насслари ва ҳукмларини ўйинчоқ қилиб олган кимсаларни кўрсангиз, ҳайратланманг. Ахир уларнинг ҳолати билан, Ислом дини фикҳи ва ҳукмларини ниқоб қилиб олган, аслида эса ботил таъвиллар йўли билан далиллар ва масдарларни оёқ ости қилиш ҳаракатида юрган кимсаларнинг деярли фарқи йўқ-ку!!! Ахир бундай кимсалар ҳам, Ислом шариати руҳияти ҳисобланмиш насслар лозим қилган ҳудудлардан ташқарига чиқиб кетмоқдалар-ку.

Биз, ўзларича нималарнидир ихтироъ қилиб олган, фикҳни ўйинчоқ сифатида кўрадиган анави кишилар туфайли, фикҳ илмини умумий ҳолда бидъат илм, ботил ҳукмлар мажмуаси сифатида кўрмаймиз. Ҳудди шу каби, тасаввуф ниқоби ортида нассларни бузиб таъвил қилувчи анави зиндиқлар ўйинлари сабабидан, мана шу калима мазмуни остидаги барча илмларни аслсиз, ботил, бидъат ва зиндиқлик дейишга ҳаққимиз йўқдир.

Биз яна, юқорида баҳс қилган жамловчи манҳажнинг на муттафақ, ва на мухталаф қисмига мувофиқ келмайдиган ботил таъвилларга мисоллар келтиришда давом етамиз.

Бундай бузуқ таъвилларга мисол сифатида, иллюминат файласуфлар (масонларга яқин бўлган қараш эгалари) қарашларига кўра, “моддалар тури эътиборига биноан яратилиш жиҳатидан қадимдир” даъвосини келтириш мумкин. Шунингдек, уларнинг ўлган жасадларнинг яна қайтатдан ҳашр бўлишини инкор этишлари, Аллоҳ таолонинг илмида барча

нарсаларнинг тафарруоти ҳам маълум эканлигини рад қилишлари ҳам мана шу турга мисол бўлади. Ушбу мазҳаб эгалари очик келган насларни ботил тарзда таъвил қиладилар ва ўзгаларни ана шунга даъват қиладилар. Уларнинг ботил фалсафаларининг нотўғри эканлигига далолат қилувчи, иборалари барча нарсаларнинг дастлаб йўқликдан яратилганлигига очик ва қатъий далолат қилувчи, ушбу ояти карималарни келтириб ўтамыз.

А) Аллоҳ таоло Анбиё сураси; 104- оятда “ **أَدْعُوْهُدِيْغُنِ قَوْلِخَلِّوْاْ اَنْدَبْ اَمَك** ” (Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, биз буни қилгувчимиз.) дейди.

Б) Юнус сураси; 4-оятда **اِنْذَبْ يٰنُّوْ** (У аввал бошда (барчани) Ўзи яратадир. Сўнгра ...уларни қайтарадир) дейилади. Моддалар яратилиш жиҳатидан қадим эмас эканлигига бўлган қатъий далолат, **اَنْدَبْ** (аввал бошда) ва **اِنْذَبْ يٰ** (аввал бошда) калималарига яширингандир. Улар, “халқ қилмоқ, яратмоқ”ни Аллоҳнинг қадимий сифатларидан, бу эса ўша моддаларнинг аслий жинси қадим эканлигини тақозо этади, деб таъвил қиладилар. Уларнинг ушбу таъвилларини тўғри деб фараз қиладиган бўлсак, у ҳолда юқоридаги сураи карималарда зикр қилинган калималар уларнинг ушбу таъвилларини йўққа чиқаради. Зеро, мазкур оятлар яратилиш муайян, маълум бир вақт нуқтасидан бошланганлигига қатъий далолат қилмоқда. Араб тилидаги **اِنْذَبْ** (бошлади) калимаси айнан мана шу маънога далолат қилади.

Жасадларнинг ҳашр бўлишига қатъий далолат қилувчи насларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

А) Аллоҳ таолонинг Ёсин сураси; 78-79-оятларида “ **يَسْئَلُونَكَ اَنْلَبَّ رَضَوْ** ” **وَوَهْوَهَّرَمَلَّوْاْ اَهْاَشْنَ اِيْذَلْ اَهْ يِيْخِيْ لُق (78)** ” **مِيْمَرِيْهَوْ مَاطْعَلْ اِيْ يِيْخِيْ نَمَلْ اَقْ هَوَقْلَخ** ” (79) ” (У Бизга мисол келтирди ва ўз яратилишини унутди. “Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!” –деди. Сен: “Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир”, -деб айт.) дейилади.

Б) Аллоҳ таолонинг Қиёмат Сураси; 3 ва 4 оятларида “ **لَنْ اَنْسُنْ اِلْبَسْحَيِّ اِيْ** ” **وَوَسُنْ نَنْ اِيْ لَعَنْ يَرْدَاقِ لَب (3)** ” **هَوَ اَنْ اَنْبَ يِيْ وَسُنْ نَنْ اِيْ لَعَنْ يَرْدَاقِ لَب (4)** ” ((Кофир) Инсон Бизни унинг суякларини жамлаб олмас, деб ўйларми? Албатта, Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга қодирмиз.) дейилади.

Агар сиз араб тилидан бохабар бўлсангиз биласизки, араб тилидаги **إِلَهَ كَلِمَاتِ الْمَلِكِ** (фаришта) сўзи ва на узоқдан ва на яқиндан, ва на ҳақиқий ва на мажозий жиҳатдан “маънавий руҳият” маъносини билдирмайди. У ҳолда, уларнинг Аллоҳ таолонинг ушбу оятини юқоридаги тарзда тафсир қилишларида бепарволик ва майнавозчиликдан ўзга нарса йўқдир. Илоҳий баёнда фаришталарнинг адади ҳам зикр қилинган. Яъни, мингта фаришта, дейилганки, бунинг “қувват”га нима алоқаси бор?! Мана шу қайд, ҳар қандай ақлий тасаввурларга юқоридаги каби тафсир қилишни манъ қилиб қўяди. Зеро, қанча деган савол моддий нарсаларга нисбатан ишлатилиши барчага маълумдир. Қувват, заифлик, ғазаб ва гўзаллик каби нарсалар эса, адад билан саналмайди. Сиз: “ фалончи элликта қувват билан фойдаланмоқда” ёки “ фалончи йигирмата заифлик билан қийналмоқда” демайсиз. Агар диққат билан мулоҳаза қилиб кўрсангиз, Аллоҳ таолонинг бу ояти каримада нима учун малоикаларни муайян адад билан муқайяд қилиб қўйганлигинининг ҳикматини яққол кўрасиз. Аллоҳ таолонинг мазкур оятда малоикаларни адад билан муқайяд қилиши ҳикматларидан бири, баъзи одамлар калласига ўрнашиб қолган, Аллоҳнинг каломини енгил санаш, у билан ўз нафси ҳавоси хоҳишларига мувофиқ ўйнашиш каби иллатлар эшикларини ёпишдир.

Бу қабилдаги ботил тафсирлардан яна бири, Фил сурасидаги кетма-кет бўлиб келган тўп-тўп қушлар тафсирига оиддир. Улар, мазкур қушлардан мурод чечак касаллигидир, дейдилар. Улар Илоҳий баённи мазкур ажабтовур воқеага далолат қилувчи маънодан бошқа маънога буриб тафсир қиладилар. Чунки ғарб кишиси қудрати Илоҳийга далолат қилувчи бундай нарсаларни ҳис этолмайди, бу каби фикрларни қабул қилолмайди. Ва натижада, бундай “олимлар” ўша ғарб инсонларини қаноатлантириш учун бу каби бузуқ тафсир кўчасига қадам босадилар. Аммо сиз инсоф билан айтингчи, араб тили қоидаларидан бирортасига кўра, “тўп-тўп қушлар”ни “чечак касаллиги” билан алмаштириб келтириш мумкинми?! Бирон бир ақлли инсон, у ким бўлишидан қатъий назар, Аллоҳ таолонинг мана шу калима билан улар даъво қилаётган маънони ирода қилганига ишонадимми?! Ахир, Қуръон оятини мана шу тарзда тафсир қилган кимсалар, каллаларига келган хаёлларни тасдиқлаш мақсадида, наҳотки ўзларининг ақлий ишончлари ва ички ҳиссиётларини ёлғонга йўйсалар?!

Борди-ю, Абраҳа ва унинг қўшинларини Каъбани вайрон қилишдан тўсиб қолган нарса, улар орасида бир неча дақиқаларда тезлик билан тарқаган чечак касаллиги бўлса, уларни ер тишлатган нарса қушлар ва улар келтирган лойдан пиширилиб ясалган тошлар бўлмаса, у ҳолда Қурайш

мушриклари қўлларидаги ўша воқеага шоҳид бўлган кишилар тарфидан битиб қўйилган битиклар қаердан келиб қолди?! Агар ҳолат ҳақиқатдан ҳам улар айтаётгандек бўлса, нима учун Макка мушриклари Муҳаммад с.а.в келтирган Қуръони каримга қарши мана шу воқеани далил қилмадилар. Ваҳоланки, улар Қуръонни Муҳаммад с.а.в ижоди маҳсули деб билар эдиларку! Улар нима учун, фил воқеасини далил қилиб Қуръондаги қисса воқеъликка зид келишини бирон марта ҳам эсламадилар. Ахир, улар одамлар Муҳаммад с.а.в га ишонмасликлари учун ҳар ҳил чораларни қидирган ва уларни амалга татбиқ қилиб кўрган эдилар-ку.

Жоҳилият хабарларига мурожаат қилинса, улар орқали бизга етиб келган нарсалар Қуръон қиссаларининг айна тасдиқи бўлиб чиқмоқда. Яъни, Аллоҳ таолонинг Абраҳа ва аскарларига қарши бутун уфқни қоплаб олган қушларни юборганлиги, улар лойдан пиширилган тошларни отганликлари ва уларнинг ҳар бири бугунги кундаги ўқлар қиладиган ишни қилганликлари хабари берилади. Ҳатто кўплаб жоҳилият даври араб шоирлари кўзлари билан кўрган ўша ҳодисага атаб қасийда ва ашъорлар битганликлари тарих ва адабиёт китобларида мавжуддир.

Балки сиз, ушбу таъвил ва унинг эгаларини ҳимоя қилиб, “тарих ва сийрат уломолари орасида, Аллоҳ таоло ўша йили Абраҳа ва қўшинларини чечак касалига мубтало қилган. Бундай тахминни бугунги кун замондош олимларигина зикр қилаётганлари, қушларни ҳам “чечак” деб таъвил қилаётганлари йўқ, деган одамни сўзини эшитгандирсиз. Улар бу сўзлари билан алдоқчилик қилмоқчилар ва “бу уммат уламолари ҳамда имомлари орасида “қушлар”ни “чечак” касали дея амалда таъвил қилганлар аввалдан ҳам бор эканда, деб ўйлашингизни хоҳлайдиганлар мавжуд.

Ҳақиқатдан ҳам, тарих ва сийрат олимларининг кўпчилиги, ўша йили Абраҳа ва қўшинлари орасида чечак хасталиги пайдо бўлганлигини зикр қиладилар. Бу ҳақида ишончли саҳиҳ хабарларда ворид бўлган. Ибн Исҳоқ Ёъқубдан, у Утбадан ривоят қилишича, Араб ерида чечак касаллиги илк маротаба ўша йили кўрилди. Ушбу хабарни янада яхшироқ санад билан Икрима ҳам ривоят қилган. Ушбу ривоятларни қилган биронтаси “ушбу сурадаги тўп-тўп қушлардан мурод, мана шу касалликдир” деган гапни айтган эмаслар. Шунингдек, ёки улар “уларнинг устига ёғган тошлардан мурод, мана шу касаллик эди” демадилар. Балки уларнинг барчаси, нассни таъвил қабул қилмайдиган очиқ-ойдин зоҳирий маънода тафсир қилдилар. Чечак касаллиги, Аллоҳ таоло уларга намойиш қилган улкан оят саналмиш қушлар воқеасидан ташқари алоҳида бир азоб эди.

Уларнинг бузуқ таъвилларидан яна бири Дажжол ҳақидадир. Дажжолнинг исми ишончли хабарларда ворид бўлган. Ҳатто бу ҳақида шу қадар кўп саҳиҳ хабар собит бўлган-ки, у мутавотир даражасига етади. Улар мутавотир хабарлар орқали собит бўлган Дажжолни ғарб маданияти ва янги замонавий илмий ихтироълар, деб таъвил қиладилар. Ваҳоланки, ҳадисда ворид бўлган нассларни ҳеч қайси жиҳатдан бундай таъвил қилиш имконсиздир. Бунга мисол сифатида Расулуллоҳ с.а.в. дан Муслим, Абу Довуд, ибн Можа ва Аҳмад р.а лар қилган мазкур ривоятни келтириш мумкин. Ҳадисни Навос ибн Сумьон р.а ривоят қиладилар: “Ул зот с.а.в саҳобаларига (Дажжолни) сифатлаб шундай дедилар: “ дарҳақиқат, у тўлқинсимон, жингалак соч, кўзи сўниқ, нурсиз бўлиб, мен уни ҳудди Абдул Уззо ибн Қотнга ўшатаётгандекман. Бас, сизлардан уни топган киши унга (қарши) Каҳф сурасининг аввалини ўқисин. У Шом билан Ироқ оралиғини қасд қилиб чиққувчидир. У ўнгу сўлни вайронага айлантиради. Эй Аллоҳнинг бандалари, (ўшал дамларда) саботли бўлинглар!!!”

Яна шундай бузуқ таъвиллардан бири Қуръонда ворид бўлиб, ҳазрати Ийсо а.с нинг ҳоли ҳозирда тирик эканлигига далолат қилувчи нассларни таъвил қилишларидир. Ул зот а.с тез орада қиёматдан аввал ерга тушадилар. Улар мана шу каби таъвил қабул қилмайдиган, маънолари очиқ бўлган кўплаб саҳиҳ ҳадислардан юз ўгирадилар. Ва бунга ўша ҳадисларнинг оҳод эканлигини асос қилиб кўрсатадилар.

Бузуқ таъвил эгалари Оли Имрон сураси; 55-оятдаги

﴿يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ كُفِّرْنَا عَنْ اٰرْوٰكِنَا وَكُنَّا عَلَيْهِمۡ مِّنۡ اَعۡيُنِ ۙ سَوِيۡعِ ۤاَيۡ﴾

(“Эй Ийсо, мен сени вафот қилдирувчи ва ўзимга кўтарувчиман...”)
каломидаги “﴿كُنَّا عَلَيْهِمۡ مِّنۡ اَعۡيُنِ ۙ﴾” (сени вафот қилдирувчиман) калимасини “сени ўлдирувчиман” дея таъвил қиладилар. Уларнинг мана шундай таъвили “﴿يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ كُفِّرْنَا عَنْ اٰرْوٰكِنَا﴾” (сени ўзимга кўтарувчиман” каломини “мартабангни кўтарувчиман” дея таъвил қилишга мажбур қилган. Аммо улар оятдаги “﴿يٰۤاَيُّهَا﴾” (ўзимга) сўзига эътибор бермаганлар. Оят агар улар таъвил қилган маънода бўлса, у ҳолда Ийсо а.с нинг мартабаси ўлимидан сўнг Аллоҳ таолонинг мартабаси билан баробар бўлиб қолишини тақозо қилган бўларди! (Барчага маълумки, бу мутлақо нотўғри маънодир) Бу таъвилнинг бузуқ эканлиги ҳам луғавий, ҳам дийний миқёслар тақозосига биноан очиқ ва равшан эканлигининг ўзи сизга кифоя қилади.

Оятнинг тўғри маъноси эса қуйидагича, яъни : “ албатта, Мен сени ҳимоя қилгувчиман. Модомики сен ерда мавжуд экансан, мавжудлик кунларингни

куни эса, у уларнинг зиддига гувоҳ бўлур.) оятларнинг келиши ҳам ушбу маънони янада таъкидлайди. Оятдаги **وَتَوَمَّلْ بَق** (унинг ўлимидан олдин) даги **و** (унинг) замири саййидимиз Ийсо а.с га оид эканлиги маълумдир. Бу эса, ҳазрати Ийсо а.с нинг ҳали ўлмаган эканликларига иккинчи қатъий нассдир. Оятдаги ҳазрати Ийсо а.с ни Аллоҳнинг набийси ва бандаси эканлигига иймон келтирадиган “аҳли китоблар” дан мурод, Ийсо а.с тушган чоғларида мавжуд бўлган, ўша даврда яшайдиган аҳли китоблардир. Бу ҳақида кўплаб саҳиҳ ҳадисларда ворид бўлган.

Юқорида биз зикр қилган турли-туман мисоллар, ўйлаймизки, сизга бу борада кифоя қилади.

Насслар тафсирида фосид таъвилларга олиб борувчи, муттафақ бўлган манҳаж тақозосидан ташқарига чиқиб кетган хато ва янглишларга ундовчи омилларни ўрганиб чиқувчи тадқиқотчига маълум бўладигани, уларни бу нарсага олиб борувчи омиллар асосан иккита нарсада жамланади.

Биринчи омил: саҳиҳ насслар ва содиқ хабарлар устидан ақлни ҳакам санашда ҳаддан ошиш. Яъни, бу дегани, ақлни тоқатидан ташқари нарсага зўрлаш, агар насслар орқали ворид бўлган ишончли хабарлар бўлмаса, ақлнинг ўзи тўғри юра олмайдиган соҳаларга ақлни етаклаш, демакдир.

Иътизол мафкурасининг ҳақ йўлдан оғиб кетиши борасидаги кўзга кўринган манҳажий хатолариларидан бири мана шудир. Улар юнон фалсафаси таъсири остида бу мафкурани оёққа турғаздилар, ғалаёнга келтирдилар. Улар, саҳиҳ нақллар топа олмагач, олдиларида унга суяниш учун қатъий, зонний ва гумонларга тўлиб қоришиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетган, буларнинг барчасини бирдек ўзида жамлаган ақлдан бошқа нарсани топмадилар. Натийжада, улар ҳақ ва ноҳақлардан иборат бир бўлган мажмуани қўлга киритдилар.

Аввалги мўътазила мазҳаби йўл қўйган манҳажий хатони бугунги кундаги ғарбпараст кимсалар ҳам айнан такрорламоқдалар. Уларнинг оёқлари айнан мана шу нуқтада тойиб кетмоқда. Улар ғарб маданияти “уммонига” ғарқ бўлиб кетган кимсалар бўлиб, улар фақат моддалар атрофида айланаверадилар. Ваҳоланки сиз, улар “табиат” деб номлайдиган мажмуада бутун борлиқ устидан мутлақ ҳукмронлик қилиб, уни тасарруф этиб турган султонун ҳокими бўлмиш ягона Зот бор эканлигини мушоҳада қилмоқдасиз. Шунингдек, бундан ташқари, кўзга кўриниб турган бу борлиқ ортида ғайб олами бор эканлигини, унинг бор эканлиги кўзга

кўринмас махфий илдизларда яшириниб ётганлигини ва унда бу тартиб низомининг сири ҳамда уни ўзи хоҳлагандек идора қилиб турган қудрат қўли бор эканлигини ҳис қилмоқдасиз. Ғарб ҳазораси эса, бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди, бир нафас ҳам бу нарсалар олдида тўхтаб ўйга толмайди, ёки уларга ибрат назарини ташламайди. (Бу ўринда яна шу нарсани билдириб ўтмоқчимиз; биз “Ғарб ҳазораси” дер экан, ушбу ҳазора кишилари ва намояндаларининг барчасини назарда тутмоқдамиз. Зеро, бугунги кунда ғарб ҳазораси айрим вакиллари ҳам метафизик олам ҳақида бош қотира бошладилар. Улар кўзга кўринмас олам ҳақида баҳс юрита, китоблар таълиф қила бошладилар. Аммо ғарб ҳазорасининг асосий оқими ҳамон ўз ўзанини ўзгартирмади. Улар ҳали ҳам метафизик оламга нисбатан кичкина саналмиш моддий, материалистик олам ичида ҳаракатсиз ва ҳаяжонсиз ҳолатда ўз оқимини давом этдирмоқда.)

Кўзлари ғарб ҳазораси оқими билан қамашиб қолган, ҳали ҳануз кўзлар очилмаган анави турдаги кимсалар ғайб олами, ушбу коинот низомини бошқариб турган, идора қилиб турган буюк, яширин Султон ҳақида сўз юритувчи наслар борасида анча мунча машаққатга тушиб қоладилар. Ва натийжада, ушбу машаққатдан қутулишнинг энг яхши чораси сифатида, наслар зоҳирини ҳурмат қилиш, аммо ботинда эса унга тажовуз қилиш йўлини танлайдилар. Улар мана шу мақсад йўлида, оят ва ҳадисларни бирон қоида ва қолипга тушмайдиган, одатда ғойри мақбул бўлган таъвиллар қилишга ҳаракат қиладилар. Биз юқорида мана шу турдаги кўплаб ботил таъвилларни санаб ўтдик.

Мазкурлардан мулоҳаза қилиб, кечаги иътизол мафкураси ва бугунги ғарб ҳазораси зийнатларига алданиб қолган мафкура ҳар иккаласининг заиф нуқтаси, бу ақлни тоқатидан ташқари нарсаларга мажбурлаш эканлигини кўриш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ақлни, унинг учун қоронғу ва нотаниш бўлган йўлларга етакламоқдалар, уни ўзининг мутахассислиги бўлмаган соҳаларга зўрламоқдалар. Ваҳоланки, бу зулматли ва нотаниш йўлларни ёритувчи восита танҳодир, у ҳам бўлса бутун коинотни яратган Зот тарафидан келган ишончли хабарлардир.

Иккинчи омил:

Иккинчи омил айрим мутасаввифлар нафсларида изғиб юрган ҳиссиётлар ва тушунчаларда ўз тимсолини топган. Уларнинг ўша ҳиссиёт ва тушунчалари уларни наслар маънолари, қайдлари ва маъруф ва собит далолатларидан йироқ бўлган хаёллар ва тасаввурлар кўчасига сиқиб боради. Улар ўзларининг чегара билмас ҳиссиёт ва тушунчалари билан у

ёқ-бу ёққа изғиб юраверадилар. Токи уларнинг ўша ҳиссиётлари насслар сарҳадларига етиб келгач, унга ҳам парво қилмасдан, гарчи улар луғат ҳамда манҳаж қоидаларига зид келса ҳам, уларни ўз нафсу ҳаволарига кўра, бузуқ таъвил гурзилари билан парчалаб ташлайдилар. Бу турга мансуб бузуқ таъвиллар мисолларини юқорида келтириб ўтдик.

Бу мисоллардан сўнг, энди ўзимизнинг асл мақсад ва баҳсимизга қайтамыз. Ушбу баҳслар ортидан, ҳеч қайси тадқиқотчи ва мутафаккирга яширин бўлмаган очиқ-ойдин ҳақиқатни билиб олиш лозим. Бу ҳақиқат шулки, биз юқорида мисоллар орқали келтириб ўтган хатолар ва яширин бузуқликларнинг ҳеч қайси бирининг асосий сабаби уларнинг салафга бўлган муҳолиф эканликлари эмас. Мазкур хатоликлар эгаларининг хатокор бўлишлари, уларнинг халаф бўлганликларидан эмас эди, балки ўша хатокорлар орасида замон жиҳатидан салаф бўлганлари ҳам бор эди. Ана шу хатоларни содир қилган кимсаларнинг айрим имомлари, яшаш даври жиҳатидан, илк уч асрни тамсил қилувчи салаф асри қаймоғини ташкил қилар эдилар. Бунга энг ёрқин мисол мўътазилалардир. Аммо уларнинг салафлардан бўлишликлари улар тарафидан машҳур бўлган фикрий хато ва бузуқликларига каффорот бўлолмади.

Шунингдек, биз аввалроқ баён қилиб ўтган, уларнинг ҳақ эканлиги ҳақида шубҳа билдириш имконсиз бўлган эътиқодлар ва асосларнинг ҳақлиги, ўша эътиқод ва асосларнинг салаф эътиқоди бўлганлиги ва салафга тақлид қилиш зарурати нуқтаи назаридан келиб чиққанлиги туфайли эмас. Агар ўша эътиқод ва асослар салафнинг эътиқоди ва асослари бўлганлиги учунгина уммат орасида мақбул бўладиган бўлса, у ҳолда ана шу илк уч асрда ҳам юқоридаги усулга ёки унинг айримларига муҳолиф чиққан кимсалар мавжуд бўлганлигига нима дея оламиз?! Бу ўринда, ана шу илк уч асрни иттибоъ, ҳақ ва ботил маърифати хусусида “ягона қонун” билгувчи кишилар учун, яна бир савол пайдо бўлади. Хўш, салафлардан бир қисмигагина эргашмоқ керакми? Ваҳоланки, уларнинг барчаси салафга мансуб-ку? Уларнинг ҳаммаси салаф арконлари ҳисобланади-ку? Ёки уларнинг барчасига эргашмоқ лозимми? Ундоқ бўлса, гарчи уларнинг кўпчилиги ҳақ усулларга амал қилиб ўтган бўлсалар ҳам, бироқ уларнинг ичида камчилик бўлса ҳам муайян бир қисми, бу ҳақ усулдан четга чиқиб кетдилар-ку?

Аввал зикр қилинган ўша асос ва эътиқодларнинг саҳиҳ эканлиги, анави хато ва янглишликларнинг ботил эканлиги, вақтга қараб эмас, балки умумий маънода маърифат асослари, хусусий маънода насслар тафсири

учун лозим бўлган жамловчи манҳаж орқалигина маълум бўлди. Ўша жамловчи манҳаж ёғдусида ҳаракат қилган, унинг шартларига риоя этган, қоидаларига амал қилган кишилар Аллоҳнинг Сироти мустақиймига ҳидоят қилинади ва улар тўғри йўлдаги мўминлардан саналадилар. Модомики улар мана шу тарзда яшар эканлар, уларнинг пешонасига салаф асрида яшаш битиладими ёки Аллоҳнинг қазосида уларнинг халаф асрида яшашлиги раво кўрилганми, бунинг аҳамияти йўқдир. Мазкур манҳаж чегараларига риоя қилмаганлар, ҳукмларидан йироқ яшаганлар, унинг зиёси ва далолатидан узоқлашганлар гумроҳлик ва залолат водийларида сарсон бўладилар, бидъат ва саботсизлик йўлларида оёқлари тойиб, ҳақ йўлдан қулаб кетадилар. Бу тур кишиларни, сиз салаф асри бошида кўрсангиз ҳам ёки уларни дунё ҳаёти битиши арафасида кўрсангиз ҳам, бу жиҳатларнинг аҳамияти йўқдир.

Демак, салаф асридаги солиҳларнинг инсонларнинг энг афзали саналиш ютуқлари, уларнинг ўша асрда яшаганликлари билангина қўлга киритилган ютуқ саналмайди. Балки уларнинг афзалликлари асосий сабаби, уларнинг, хоҳ фитратан, хоҳ дириятан, хоҳ илм жиҳатидан бўлсин, биз танишиб чиққан ўша манҳажга қатъий амал қилишлари эди. Ҳа, бунга қўшимча равишда уларнинг Расулуллоҳ с.а.в асрларига яқин эканликлари ҳам улар учун устунлик касб қилади. Зеро, уларнинг айнан мана шу устунликлари уларга мазкур манҳажга амал қилишларини қулайлаштирди ҳамда уларни улардан кейин юзага келган ва атрофни лойқалаб ташлаган хатолардан узоқ бўлишларига сабаб бўлди.

Ҳудди шу каби, салафлардан кейинги асрда келган кўплаб кишиларнинг қабоҳати ёки ҳақдан оғиб кетишликлари сабаби, бу уларнинг дунёга салафлардан кечроқ келишлари эмас эди. Уларнинг қабоҳат ва разолати сабаби, бу уларнинг маърифат йўлида юриш мобайнида манҳажга риоя қилмасликлари эди. Ўша риоясизлик оқибатида уларни ҳавои нафс ўз доимга тортди ва улар залолат ва гумроҳлик водийларида қолиб кетдилар. Бундан ташқари, улар салафлардаги мавжуд хусусият, яъни, пайғамбаримиз с.а.в га яқин замондош бўлиш хусусиятидан маҳрум эдилар. Натийжада, шахват изғиринлари, турли оқим ва ботил мазҳаблар уларни осонликча ўз домига тортиб кетди. Бундай бузуқ оқим ва мазҳаблар, айниқса кейинги асрларда янада кенг қулоч ёйди ва урчиб кетди.

Келгуси фаслда биз, далолати ва усулий манҳажига кўра турли эҳтимоллар ва тафсирлардан холи бўлмаган хилофий масалалар ҳақида

бахс юритмоқчимиз. Зеро, ўша манҳаж қоидасига биноан ихтилофли бўлмиш масалалар борасида уламолар ижтиҳод қилганлар. Ана шу мисоллар орқали мазкур ҳақиқат ойдинлиги янада равшанлашади. Биз келтирмоқчи бўлган мисоллардаги уламолар ихтилофлари, раъйлари, мазҳаблари уларнинг муттафақ бўлган манҳаждан ўзгача бўлганлиги ёки ундан ташқарига чиқиб кетганлиги учун эмас, балки уларнинг ўша раъй ва мазҳаблари муттафақ манҳаж салатанати идораси остида, доираси ичида бўлган ихтилофлардир. Бас, уларнинг барчаси Аллоҳнинг сироти мустақийми узра, жамловчи манҳажни муршид сановчи зотлар саналадилар. Уларнинг ҳеч қайси бири иттибоъ ва илтизом борасида бир-бирдан авло эмаслар. Шунингдек, уларнинг ҳеч қайси бири, агар тасаввур қилиш жоиз бўлса, бир-бирларини ҳақ йўлдан оғиш ва бидъатчиликда айблашга ҳақлари йўқдир. Ана энди, кейинги фасл баёнига киришамиз.

Саҳиҳ ёки ботил эканлиги қатъий бўлмаган масала ва раъйлар

Ушбу фаслда, биз юқорида танишиб чиққан манҳаж тақозосига кўра, ҳақ ёки ботил ҳукмини қатъий бериш имконсиз бўлган масалаларга доир мисол ва намуналар келтириб ўтамиз. Мисолларда келадиган масалалар ҳукмини қатъият билан ҳақ ёки ботил деб айтиш, уни мутлақ аниқлаш имконсиздир. Зеро, биз танишиб чиққан манҳажнинг ўзи шуни тақозо этади. Ҳукмини қатъийлаштириш имконсиз эканлигининг бир сабаби, ўша манҳажнинг ўзидаги ихтилофли нуқталарга боғлиқдир. Бу нуқталардан айримларини бироз аввал зикр қилиб ўтдик. Бошқа сабаби эса, ўша ҳукми татбиқ ва амалга ошириш чоғида пайдо бўлади. Яъни, муаммо масаланинг аслида эмас, лекин муаммо, усул уламолари таъбири билан айтганда, ўша ҳукм иллатини топишдадир. Масаланинг асли ихтилоф ва тортишув ўрни эмас, балки ўша масаланинг иллатини топиш чоғида ихтилоф юзага келади.

Биз қуйида –Аллоҳнинг тавфиқи ила- бу турга оид айрим мисолларни келтириб, унинг эҳтимолли жиҳатларини ёритиб ўтамиз. Зикр қилинмоқчи бўлган мисоллардаги юзага келган ихтилофлар ўша манҳаж доираси ичида, унинг салатанати остида юзага келгандир. Ўзларини салафийлар деб сифатлайдиганлар, айнан мана шу мисолларни, ўзлари билан уларни бидъатчилар деб номлайдиган кишилари орасидаги девор, тўсиқ сифатида қоим қиладилар. Улар ўзлари қабул қилган, қалблари таскин топган раъйлари ҳамда ижтиҳодларини, фақат уларгагина, ўша олий Исломий жамоатга мансубилқозонтирувчи асосий васийқа сифатида кўрадилар. Ва улар мана шу олий Исломий жамоатга “салафийлик” номини танлаганлар.

Аммо, биз мазкур масалаларга оид ихтилофларнинг боислари, омиллари ўша муттафақ манҳаж асослари ичида пайдо бўлганлигини кўрамиз. Бу манҳажнинг баёни ва унинг ақоид ҳамда аҳкомларни таниш борасида ягона меъзон эканлиги аввалги фаслларда келтириб ўтилди. Бунга кўра, мазкур масалаларда ихтилоф қилувчи ҳеч қайси тараф ҳидоятни фақат ўзигагина хослаб олиш, иккичи тарафни эса, залолатда айблашга ҳаққи йўқдир. Худди шу каби, ихтилоф қилувчи тарафларнинг ҳеч қайси бирининг, мана шу ижтиҳодий ихтилоф оқибатида, ягона Исломиё умматнинг тақсимоотида бидъат яратишга ва ҳар бир қисм мусулмонларга алоҳида исм ва лақаб қўйиб олишларига ҳаққи йўқдир. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларга бундай қилишга изн берган эмас, уларнинг бунга далиллари ҳам йўқ. Уларга бу ҳам етмаганидек, улар ўзлари тарафидан, ўз чиройли гумонларига кўра, ўша гуруҳга мансуб бўлган қисм мусулмонларга рушд ва тўғрилиқ ҳукмини берадилар. Улар чақираётган гуруҳга мансуб бўлмаган мусулмонлар қисмини эса, залолат ва гумроҳликда айблайдилар.

Хуллас, биз айтиб ўтмоқчи бўлган мисол ва намуналарни асосан уч асосга бўлиш мумкин.

Биринчиси: муташобих наслар. Аллоҳнинг сифатларига оид бўлган оят ва ҳадислар мана шу туркумга киради.

Иккинчиси: бидъат; унинг таърифи ва ҳукми.

Учинчиси: тасаввуф ва унга тегишли бўлган баҳс ҳамда тушунмовчиликлар.

Мана шу уч асосни ягона бир жамловчи асос номи остида, яъни “бидъатлар” номи остида жамлаш мумкин эканлиги барчага маълумдир. Бироқ биз уларнинг ҳар бирини моҳиятини билиш мақсадида мазкур уч асос нуқтаи назаридан ўрганишни афзал кўрдик. Бундан кўзланган мақсад, улардаги умумийликларни баён қилишдан кўра уларга яширинган фарқларни зикр қилиб ўтишни лозим кўришдир.

[\[1\]](#) (“Исломиё ҳукумат” 25 саҳифа; Эрон чопи; “мен беш йилдан буён, эронлик шийъа олим биродарларимизнинг айримларидан бу нарсаларнинг Исломи асослари ва муҳим қоидаларига қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкин эканлиги ҳақида сўрадим. Шунда улар “ бу таржимон тарафидан йўл қўйилган адашмовчиликдир!” дедилар. Аммо энг таажжубланарлиси ушбу китоб ўшандан бери беш маротаба қайта нашр этилди, бироқ таржимоннинг адашмовчилиги эса ҳануз ўшандоқ турибди.”

[\[2\]](#) Игнац Гольдциернинг “Ақийда ва шариат” китоби; 157 бет.

[\[3\]](#) (ушбу бахсга доир янада кенгроқ маълумот олмоқчи бўлсангиз, муаллифнинг “барча инсоний жамиятлар паноҳи исломдир” китобидаги “Бидъатчилик муаммоси ва (суннатга) эргашмаслик орасидаги виждоний тарбиямиз” фаслини ўқиб чиқинг

[\[4\]](#) Замахшарийнинг “Асосул балоға” асарига қаранг.